

шықпақта [3:212]. Буннан, Өзбекстанның миллетлераралық саясаты инсаныйлыққа, демократияға сәйкеслігін көріуімізге болады.

Соны ұмытпауымыз керек, миллетлерара татыўлық идеясының мазмунына түсинип жетпеўшилиқ жәмийет турмысына, тынышлығына хәм турақлылығына салқынлық салыўы мүмкин.

Миллетлераралық бирликке кери тәсир етиўши иллет бул - жаўыз миллетшилиқ хәм шовинизм болып табылады.

Әдебиятлар

1. Өзбекстан Республикасының Конституциясы. -Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Қаримов И.А. Миллий ғәрезсизлик идеясы: тийкаргы түсиник хәм принциплер. -Н.: «Қарақалпақстан», 2001.
3. 2017-2021-жылларда Өзбекстан Республикасын раўажландырыўдың бес үстин бағдары бойынша Хәрекетлер стратегиясының «Халық пенен пикирлесіў хәм инсан мәлері жылы»нда әмелге асырыўға байланыслы Мәмлекет дәстүрін үйретіў бойынша илимий методикалық қолланба . -Т.: «Мәнавият», 2017.
4. fikr.uz

Мақолада Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувлик ва дўстлик муносабатлари ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши масалалари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

В статье говорится о значении дружбы и межнациональной солидарности в Республике Узбекистан.

The article is devoted to the issues of the importance of friendship and inter-ethnic international solidarity in the Republic of Uzbekistan.

ТАЛАБАЛАРДА ҲУҚУҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Т.Қудайбергенова - педагогика фанлари номзоди, доцент Э.Тлеуов – эркин тадқиқотчи Ажиниёз номидаси Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ҳуқуқ, компетентлик, сифат, ҳуқуқий компетентлик, ҳуқуқий компетентлик сифатлари, ҳуқуқий компетентлик сифатларини ривожлантириш.

Ключевые слова: право, компетентность, качество, правовая компетентность, качества правовой компетентности, развитие качеств правовой компетентности.

Key words: right, competence, quality, legal competence, qualities of legal competence, developing the qualities of legal competence.

Замонавий шароитда ҳар бир шахснинг ижтимоий компетентликка эга бўлиши талаб этилмоқда. Мутахассиснинг касбий тайёргарлигини белгилашда эса унинг касбий компетентлик сифатларига эгаликлари муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, компетентлик негизда мутахассис ўзида нафақат касбий назарий ҳамда амалий билимларни пухта ўзлаштирганликни, балки уларни касбий фаолиятда ҳеч бир қийинчиликсиз қўллаш олий имкониятига эгаликни ҳам намоён эта олиши зарур. Шу сабабли сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлашда уларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Олий таълим жараёнида талабалар нафақат бўлажак мутахассис, шу билан бирга фуқаро сифатида ҳам шаклланади. Шунга кўра улар нафақат касбий компетентлик сифатларига, балки унинг негизда ҳуқуқий компетентликка ҳам эга бўлиши зарур.

Компетентлик – мутахассиснинг зарур маълумотлар ва амалий тажрибага эга бўлиши орқали ўз ваколатлари, касбий мажбуриятларига мувофиқ амалий вазифаларни ҳал қилиш учун мавжуд билимларини қўллай олиши [1:91]. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, амалиётда фақат билимларнинг ўзинингина қўллаш компетентликни ифодаламайди. Зеро, компетентликнинг тўла намоён бўлиши учун шахс ўзидаги мавжуд кўникма ва малакалардан ҳам самарали фойдалана олиши зарур бўлади.

Л.И.Шевченко нихоятда оддий тарзда “компетенция” ва “компетентлик”, яъни: компетенция – бу билим, компетентлик эса – малака [5:248].

И.А.Зимняя компетентликнинг шаклланиш жараёнини ўрганар экан, унинг ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланишини кўрсатиб ўтади. Муаллифнинг қайд этишича, шу сабабли компетентлик ижтимоий характерга эга: “барча турдаги компетентликлар умумий ҳолда ижтимоий характерга эга, чунки улар ижтимоий муҳитда ҳосил қилинади, шаклланади” [2]. И.А.Зимняя, шунингдек, компетентлик кўринишида айнан қандай ижтимоий-шахсий сифатлар намоён бўлишини таҳлил этишга уринади ва бу каби сифатлар сирасида саломатликни асраш, фуқаролик, ахборот-технологик, мулоқот ва ижтимоий ўзаро муносабатнинг муҳим ўрин тутишига ургу бериб ўтади [2].

Ҳар бир жамиятнинг ривожини таъминлашда ижтимоий субъектлар алоҳида ўрин тутати. Жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида тарихий ривожланишнинг муайян босқичларида ижтимоий субъектлар улар томонидан ташкил этиладиган ижтимоий фаолиятининг йўналиши, мазмуни ва характеридан келиб чиққан ҳолда турли номлар билан аталган. Кишилиқ жамиятининг илк босқичидан бошлаб, то бугунги кунга қадар ижтимоий субъектлар асосий меҳнат кучи бўлган овчилар, қорвадорлар, деҳқонлар, хунармандлар ва бошқа турли касб-кор эгалари тарзида шакллана борган. Айнан мулк ва мулкрий му-

Бундай зиянли идеялар тәсирине түскен жәмийеттин қыйрап қалыў қәўпи де жоқ емес. XX әсирде Европа халықларын тәшўишке салған хәм айырым мәмлекетлердин әззилеўине себеп болған фашизм сокқылары буған толық мысал бола алады.

Солай етип, миллетлераралық татыўлық идеясының мақсети, бүгинги күнде мәмлекетимизде жасап атырған миллетлерди өз ара бирлик руўхында тәрбиялаўдан ибарат.

носабатларнинг юзага келиши, ишлаб чиқариш соҳаларининг кўпайиши турли касб-кор эгаларининг етишиб чиқишини таъминлаган. Меҳнат ва унинг маҳсули дастлаб тирикликни таъминлаш, ҳаётий эҳтиёжларни қондириш, тирикчиликни ўтказиш воситаси бўлган.

А.В.Мазуренконинг фикрига кўра, айнан ижтимоий муносабатлар, уларнинг хилма-хиллиги, мураккаблиги мутахассис сифатида шахс томонидан ўзида компетентлик сифатларини ҳосил қилиш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш заруриятини юзага келтиради. Бинобарин, компетентлик шахс муносабатининг мазмуни, характерини ёритишга хизмат қилади: “Ижтимоий муносабатларнинг хилма-хиллиги, мураккаблиги шахсдан унинг борлиққа, жамиятга, тор доирадаги атроф-муҳитга бўлган муносабати билан боғлиқ ҳолда катта спектрда ижтимоий билимлар ва қобилиятларга эга бўлишини талаб қилади” [3:86].

И.А.Зимняя касбий компетентликнинг таркибий тузилмасини ифодаловчи тавсифномами илгари суради: а) компетентликка эгаликни намоён этишга тайёрлик (мотивацион жиҳат); б) мазмунли компетентликка эга билимлардан хабардорлик (когнитив жиҳат); в) турли стандарт ва ностандарт вазиятларда намоён бўладиган компетентликни намоён қилиш тажрибасига эгалик (фаолиятли жиҳат); г) компетентлик мазмунига ва унинг иловаси объектга муносабат (кадриятли-мазмунли жиҳат); д) жараёни ҳиссий-иродавий нуктаи назардан тартибга солиш ва компетентликнинг намоён бўлиш натижаси [2].

Е.И.Климов томонидан илгари сурилган касблар таснифига таянган ҳолда О.Р.Чудинов ҳуқуқий компетентлик сифатларини ёритишга уринади. Маълумки, Е.И.Климовнинг “касблар таснифи” мавжуд касблар бешта йирик гуруҳга ажратилган. Яъни: “Инсон-табиат”, “Инсон-техника”, “Инсон-белгилар”, “Инсон-образ”, “Инсон-инсон” схемаси асосидаги таснифга кўра О.Р.Чудинов қайси таснифдаги касб эгаси бўлишдан қатъи назар мутахассислар ўзларида қуйидаги касбий компетентлик сифатларини намоён этишлари зарур деб ҳисоблайди: ижтимоий субъектлар билан ишлаш жараёнида ўзини бардам тута олиш; мулоқот эҳтиёжига эгалик; фикран ўзини бошқалар ўрнига қўя олиш; бошқаларнинг мақсадлари, ўйлари, қайфиятларини тезкор тушуна олиш; инсонлар билан ўзаро муносабатларда вазиятни тезкор таҳлил қилиш; қўллаб ва турли кишиларга хос бўлган шахсий сифатлар тўғрисидаги билимларни ёдда тутиш ва б. [4].

Е.И.Климовнинг ўзи томонидан илгари сурилган фояга кўра қуйидаги хусусиятлар деярли барча мутахассисларга хос саналади: бошқариш, ўқитиш, тарбиялаш, бошқаларнинг турли эҳтиёжларини қондириш бўйича фойдали ҳаракатларни ташкил этиш; бошқаларни тинглаш ва охиригача диққат билан тинглаш; кенг дунёқарашга эгалик; нукт ма-

даниятига эгаллик; шахснинг ўзини ҳамisha энг кучли мутахассис бўлишига ишониши асосида ўз фаолиятига лойиҳавий ёндашиш; ҳамдардлик қобилиятига эгаллик; атрофдагиларга хизмат қилишда ҳолатларнинг тўғрилигига чуқур ишониш ва оптимистик руҳга эгаллик; ностандарт вазиятларни еча олиш қобилиятига эгаллик; юқори даражада ўзини ўзи бошқара олиш [4].

Мазкур фикрлардан ҳам англанадики, муаллифларнинг деярли барчаси турли соҳаларда фаолият юритадиган мутахассисларга хос ҳуқуқий компетентлик сифатларини тизимлаштиришга ҳаракат қилишган. Маълумки, мутахассислар касбий фаолият, уни ташкил этишга ёндашув, касбий фаолият жараёнига муносабат нуктаи назардан умумий сифатларга эга бўлиш билан бирга ўзига хос фазилатларга эгаллини ҳам намоён қилади. Ушбу фикрни педагогика ОТМ, хусусан, тарих факультетининг талабаларига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Одатда ушбу факультет талабалари мантикий тафаккур, чуқур таҳлил қила олиш, ўзаро қиёсий ўрганиш, тарихий воқеаларнинг сабаб ва оқибатлари ўртасидаги мантикий бирликини топишга интилиш каби қобилиятларга эга бўлади. Шу сабабли уларнинг шахсида, биринчидан, бўлажак тарих фани ўқитувчиси сифатида педагогик касбий компетентлик, иккинчидан, бевосита ижтимоий, фаласий, тарихий, ҳуқуқий билимлар эгаси сифатида шахсий компетентлик сифатлари акс этади. Бунда уларнинг ҳам педагогик, ҳам ҳам тарихий-ижтимоий, ҳуқуқий билимларни бирдек ўзлаштириш имкониятига эгалликлари қўйилган мақсадга эришиш имкониятини таъминлайди.

Айни ўринда ҳуқуқий компетентлик негизида намоён бўладиган сифатлар тўғрисидаги қарашларни ойдинлаштириш мақсадга мувофиқдир. Гарчи Е.И.Климов, О.Р.Чудиновлар ўз илмий изланишларида мутахассисларга хос умумий касбий компетентлик сифатларини кўрсатиб ўтишган бўлишса, В.Н.Стегни, Л.Н.Курбатовалар бевосита ҳуқуқий компетентлик негизида акс этадиган сифатларни аниқлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Уларнинг фикрига кўра ўз фаолияти доирасида ҳуқуқий билимларга эгаллик; ишлаб чиқариш маҳсулотларига қўйиладиган халқаро стандарт, талабларни билиш; меъёрий ҳужжатларни, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш ва шу асосида пухта ўйланган, малакали бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш; мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш, давлат ҳокимияти вакиллари билан ҳамкорлик қилиш, фуқаролик мажбуриятларини бажаришнинг аҳамиятини тушуниш, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш, ўзининг фуқаролик позициясини ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш [4]. Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш зарурки, В.Н.Стегни, Л.Н.Курбатовалар томонидан ҳуқуқий компетентлик сифатлари бевосита инженерлар мисолида

тизимлаштирилган. Буни “ишлаб чиқариш маҳсулотларига қўйиладиган халқаро стандарт, талабларни билиш”дан ҳам англаш мумкин. Бинобарин, инженерлар техник жиҳозлар, қурилма ва механизмларни ишлаб чиқаришда уларнинг халқаро стандарт, меъёр ва талабларга мувофиқ қилишини инобатга олишлари зарур.

Бизнинг фикримизча, “компетентлик” тушунчаси мазмуни ёритишга уринган муаллифлар ҳуқуқий компетентлик сифатларини тизимлаштиришга ёндашишда умумий ҳолда муайян хатога йўл қўйган. Яъни, тил хусусиятларига кўра “сифат” тушунчаси нарса, буюм, предмет, воқеа ҳодиса, шахсга хос белги, хусусиятлари ифодалаб, қандай, қанақа каби саволларга жавоб беради, кўп ҳолатларда “лик” (масалан, ташкилотчилик, ташаббускорлик, фидоийлик) қўшимчаси билан ифодаланади. Муаллифлар эса ҳуқуқий компетентлик сифатлари дея феъл характеридаги тушунчаларни келтиради. Хусусан, халқаро стандарт, талабларни билиш, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш, ишлаб чиқариш маҳсулотларига қўйиладиган халқаро стандарт, талабларни билиш ва ҳ.к. Тилшунослик нуктаи назардан улар нима қилмоқ, нима қилади каби саволларга жавоб тарзида қайд этилади. Шу сабабли тадқиқотни олиб бориш даврида педагогика ОТМнинг тарих факультети талабалари мисолида ҳуқуқий компетентлик сифатларини тизимлаштиришга, бу борадаги нотўғри ёндашувни бартараф этишга қаратилади.

Ҳуқуқий компетентлик, унинг ўзига хослигига оид фикрларни ёритган адабиётларни ўрганиш, назарий таҳлил қилиш асосида унга хос сифатлар қуйидагилардир, деган ҳулосага келинди: ҳуқуқий онглилик (когнитивлик), ҳуқуқий эҳтиёж, мотивация, кўникма, малака, позиция, маданият, эрудиция ва эмпатияга эгаллик; ҳуқуқий жавобгарлик; ҳуқуқий масъулиятга эгаллик; ҳуқуқий фаоллик; ҳуқуқий таҳлил қобилиятига эгаллик. Мазкур сифатларни талабаларнинг фаолияти мазмунидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) ҳуқуқий билим; 2) ҳуқуқий фаолият; 3) ҳуқуқий муносабат; 4) ҳуқуқий позиция.

Шундай қилиб, ҳуқуқий компетентлик мутахассисга хос сифат саналади. Ушбу сифат негизида мутахассиснинг назарий ҳамда амалий ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш, уларга риоя қилиш, ҳуқуқий ҳатти-ҳаракат, муносабатларга нисбатан ўз муносабатини билдириш (бахосини бериш), ҳуқуқий муносабатлар жараёнида ўз позициясини ҳимоя қилиш каби намоён бўлади. Улар умумий ҳолда ҳуқуқий компетентлик сифатлари тарзида намоён бўлади. Педагогика ОТМда ташкил этиладиган таълим жараёнида талабаларда ҳуқуқий компетентлик сифатларини ривожлантиришда катта имкониятларга эга.

Адабиётлар

1. Елисеева Л.М. Исследовательская компетентность педагога в организации научно-исследовательской работы среди студентов. // Формирование компетенций в практике преподавания общих и специальных дисциплин в учреждениях среднего профессионального образования. – Екатеринбург: 2011. – С. 91.
2. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентного подхода в образовании. // <http://metod.ru/asp/article/download.asp?id=3>.
3. Мазуренко А.В. Педагогические условия становления и развития социальных качеств студенческой молодежи в культурно-образовательной среде вуза: дисс...канд.пед.наук. – Ростов на Дону: 2006. – С. 86.
4. Чудинов О.Р. К понятию «правовая компетентность инженера»file.pdf. http://vestnik.pstu.ru/get/_res/fs/file.pdf/1490.
5. Шевченко Л.И. Компетентностный подход как основа современной образовательной деятельности. // Формирование компетенций в практике преподавания общих и специальных дисциплин в учреждениях среднего профессионального образования. Сборник науч.статей. – Екатеринбург: 2011. – С. 248.

Мақолада ҳуқуқий компетентлик сифатлари аниқланиб, тизимлаштирилади. Алоҳида эътибор талабаларда ҳуқуқий компетентлик сифатларини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, омиллари ва йўллари аниқлашга қаратилади. Шунингдек, ОТМнинг талабаларда уларнинг ҳуқуқий компетентлик сифатларини ривожлантиришдаги ўрни ва роли очиб берилди.

РЕЗЮМЕ

В статье определены и систематизированы качества правовой компетентности. Особое внимание уделяется определению своеобразных аспектов, факторов и путей развития качеств правовой компетентности у студентов. А также, раскрываются участие и роль вузов в развитии качеств правовой компетентности у студентов.

SUMMARY

In the article the peculiarities of legal competence are determined and systematized. Particular attention is given to the determining distinctive aspects, factors and ways of developing the peculiarities of legal competence in students. The author of the article shows the participation and role of higher educational institutions in developing the peculiarities of legal competence of students.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УНДА РЕГИОНЛАРНИНГ РОЛИ

А.Умарова – ассистент ўқитувчи

Е.К.Умаров – география фанлари доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: рақобат, глобализация, концентрация, интеграция, либераллаштириш, интеллектуал ресурс, инновация, геоиқтисодий макон, бозор, валюта, лицензия, ЯИМ, транснациональная корпорация, холат, спекуляция, экспансия, «яширин иқтисодиёт», минтақа, экотуризм.

Ключевые слова: конкуренция, глобализация, концентрация, интеграция, либерализация, интеллектуальный ресурс, инновация, гео-экономическое пространство, рынок, валюта, лицензия, ВВП, транснациональная корпорация, ситуация, спекуляция, экспансия, «теневая экономика», регион, экотуризм.

Key words: competition, globalization, concentration, integration, liberalization, intellectual resource, innovation, geo-economic space, market, currency, license, GDP, transnational corporation, situation, speculation, expansion, "shadow economy", region, ecotourism.

Ушбу вазиятда XX асрнинг охирида жаҳон глобал иқтисодиётида юқори ривожланган «еттилик» давлатлар

гуруҳи, кейинчалик «саккизлик» деган тушунчалар шаклланди ва ҳозирги даврда иқтисодий жараёнлар